

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**478** 2011 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
16 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2164*

*(2010 йил 26 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-  
нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й.,  
12-сон, 219-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-  
масининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбе-  
кистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга  
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон,  
7-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
**қарор қилади:**

1. 2011 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 165-илова-  
ларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботла-

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 1 — 165-илвалар берилмайди.

рининг йиллик шакллари — 2010 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 16 ноябрдаги 4-сонли «2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2055, 2009 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 549-модда) 2011 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга қиради.

**Раис**

**Б. Тўраев**

Тошкент ш.,  
2010 йил 15 ноябрь,  
1мб-сон